

Жумани узр ила тарк этиш



04:00 / 11.08.2023 3045

Ибн Аббос розияллоху анхумо ёмғирли кунда ўз муаззинига:

«Ашҳаду анна Муҳаммадан Росулulloҳ» деганинда «Ҳайа ғалас-солаҳ» («Намозга шошилиглар!») демагин, «Соллу фи буютикум» («Намозни уйларида ўқинг!») дегин», - деди.

Одамлар (буни) хушламагандек бўлишди. У: «Буни мендан кўра яхшироқ зот ҳам қилганлар. Албатта, жума қатъий вожибдир. Мен сизларни тангликка солишни истамадим, ахир лой ва ёмғирда юриб келасиз», - дедилар».

Учовлари ривоят қилишган.

Абу Малийх розияллоху анҳудан, у киши отасидан ривоят қилинади:

«У киши Ҳудайбия вақтида Набий соллаллоху алайҳи васалламни жума куни уларни ёмғир тутганда, кавушларининг ости ҳўл бўлмаганда ўз жойларида намоз ўқишга амр қилганларини кўрган экан».

Абу Довуд ривоят қилган.